







келади".

Пайғамбар (с.а.в.) хотинлари учун бир йиллик озуқани захира қилиб сақлаб қўйишлари ҳам касб-кор қилиш зарурлигини билдиради. Шунингдек, Аллоҳ таоло бундай деб буюрган:

ضُرِّأَلَانِمُكُمْ لَأَنْجَحُوا أُمَّمَوْمُتْ بَسَّكَ أَمَّا تَبِّي ط نَمُ أَوْ قَفْنَا أَوْ نَمِ الْيَوْمِ الْيَوْمِ  
{267}

"Эй, имон келтирганлар! Касб қилган нарсаларингиздан покизаларидан ва сизлар учун ердан ичқариб қўйган ҳосилларимиздан инфоқ-садақа қилиб туринглар!" (Бақара, 267).

Агар касб-ҳунар қилиш ҳаром бўлса, нимага садақа қилишга буюради?! Шунингдек, Аллоҳ таоло закот беришга ҳам буюрган. Агар касб-кор қилиш ҳаром бўладиган бўлса, закот беришга амр қилмаган бўларди.

Ҳалол мол-мулкдан касб-кор қилишнинг ҳаром эмаслигига яна бир далил пайғамбарлар алайҳумуссаломлар таваккал қилиб касбжор қилувчи зотлар бўлганларидир. Чунончи, Одам саловотуллоҳи алайҳи миришкор деҳқон бўлган, Идрис (а.с.) эса тикувчи уста, Нух (а.с.) дурадгор уста, Мусо (а.с.) Шуайб (а.с.) қўлида мардикор, Иброҳим (а.с.) матофуруш баззоз бўлган. Муҳаммад (с.а.в.) эса ватан ва дин учун курашувчи ғозий бўлганлар. Хабарда ривоят қилинишича, "Қиёмат кунда Аллоҳ таоло мени қиличим билан тирилтиради", дейилган. Бир гапларида: "Менинг ризқим найзам сояси остидадир. Кимки менга муҳолиф бўлса, хор ва кичик бўлиб қолсин!" деганлар.

Абу-л-Муин ан-Насафий. Баҳр ал-калом. – Миср: Илмия, 1911. – Б. 55-59.  
Таржимон: Ҳамидуллоҳ Беруний.